

11-01/126-son

4 dekabr 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 2 декабрь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси*);

2. Камбағалликни қисқартириш бўйича 4-босқич якуни ва 5-босқичда ишларни самарали ташкил қилиш, **янги тизим асосида** белгиланган вазифалар, **битирувчилар ва мигрантлар билан ишлаш бўйича** берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

3. Вилоятдаги боғ ва токзорлар аҳволи, соҳани ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги ва келгусидаги вазифалар тўғрисида;

4. 2025 йилги ҳудудий инвестиция дастурларининг ижроси, келгуси йил учун янги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича ҳокимликлар, тижорат банклари ва масъулларга берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли баёни ва 12 декабрдаги **ПҚ-430-сонли қарорларининг ижроси** ҳамда жорий йил 7 августдаги **тақдиротда** (45-сонли баённома) белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

6. Бошқа масалалар (МПР, обуна).

(Н.Турсунов, С.Мирзаев, М.Мамадиярова, Ж.Болиев, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Ш.Шаропов, Қ.Ражабов, Ғ.Алиев, Д.Очилов, Н.Сафоев, У.Назаров, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Елмуратов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб жорий йилнинг 1 декабрь куни Давлат Раҳбари ҳузурида “Экологик вазият барқарорлиги, чиқиндиларни бошқариш, қиш мавсумига тайёргарлик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш” юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган **топшириқлар ижросини ташкил қилиш** масаласи муҳокама қилинди.

Шаҳар, туман ҳокимлари, манфаатдор ташкилот раҳбарлари экологияни яхшилаш, чиқиндиларни тартиб билан чиқариш ва қайта ишлаш, атроф-муҳит тозаллиги, уйлар, кўчалар ва маҳаллалар атрофини мунтазам равишда ободонлаштириш ишлари билан шуғулланишлари юзасидан **огоҳлантирилди**.

Шунингдек, ҳоким ўринбосарлари, тегишли ташкилот раҳбарлари, маҳалла раислари эрталабдан маҳалла ва кўчаларда юриб, ободонлаштириш ва тозаллик ишларини кўздан кечиришлари ва муаммоларни бартараф этиб боришлари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Қишки мавсумга тайёргарлик бўйича ишларни қайтадан кўриб чиқиш, хусусан ижтимоий соҳа муассасаларига кириб-чиқиб, уларнинг иситиш тизимлари ва кўмир таъминотидаги камчиликларни зудлик билан ҳал қилиш, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларида ташкил қилинган Штаблар фаолиятини 24/7 режимда фаолиятини йўлга қўйиш, авария-диспечерлик хизматларини мунтазам фаолияти олиб боришларини таъминлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 132-сонли қарорида белгиланган, Хатирчи туманидаги 600 гектар яйлов ерларини ўзлаштириш мақсадида, 30 дона тик қудуқларни қозиш ва электр энергия билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда (45-сон баён) белгиланган Кармана туманида “Зарафшон” дарёси бўйидаги 100 гектар ер майдонида балиқчилик комплексини ташкил этиш учун, ер участкасининг тоифасини ўзгартириш ва инвесторга ижарага бериш топшириқлари ижро муддатини белгиланган тартибда узайтириш чоралари кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров)га бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда (45 -сон баён) белгиланган Қизилтепа туманида “порфирит” тошини қайта ишлаш лойиҳаси учун 100 гектар ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида “Ер қаридан фойдаланиш маркази”га ажратиш мақсадида вилоят ҳокими қарори лойиҳасини вилоят ҳокимига имзога киритиш ҳамда белгиланган тартибда ижро назоратидан ечиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосарларига ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига декабрь ойининг 25 санасига қадар “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали ижроси назоратга олинган декабрь ойида бажарилиши белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Президент Администрацияси раҳбарининг ҳамда Ҳукумат раҳбарининг топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, назоратдан чиқариш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Йиғилиш кун тартибида камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалалари кўриб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликлар алоҳида қайд этиб ўтилди.

Хусусан, Хатирчи тумани прокурори (Норов)га тумандаги “Уйшун” маҳалласидаги камбағал оилалардан М.Одилова ва “Учқора” маҳалласидаги М.Раҳмонованинг “Камбағаллик реестри”дан чиқариш ҳолатларининг қонунийлигини, шунингдек ушбу камбағал оилаларга бириктирилган Хатирчи тумани Насос станциялари бўлими бошлиғи Д.Асқаров ва вилоят Рақобат бошқармаси бошлиғи А.Муҳаммадиевнинг камбағал оилалар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб, натижаси бўйича хулоса бериш;

Конимех тумани прокурори (Джабборов)га тумандаги “Бирлик” маҳалласидаги камбағал оила Р.Мулюковнинг “Камбағаллик реестри”дан чиқариш ҳолатининг қонунийлигини ҳамда ушбу оилага бириктирилган АТ “Агро банк”нинг Конимех бўлими бошқарувчиси К.Сайфуллаевнинг камбағал оилалар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб, натижаси бўйича хулоса бериш;

Навбаҳор тумани прокурори (Исоқов)га 4-босқичда тумандаги "Арабхона" маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал оилалар Ё.Холмуминова, М.Жўрабоевалар ва "Совунгар" маҳалласидаги М.Каримоваларнинг муаммоларини ҳал этилиш ҳолатининг ҳаққонийлигини ҳамда ушбу оилаларга бириктирилган масъулларнинг камбағал оилалар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб, натижаси бўйича хулоса бериш топшириқлари берилди.

Вилоят прокурорининг ўринбосари (Намозов)га уч кун муддатда юқоридаги топшириқлар бўйича Хатирчи, Конимех ва Навбаҳор прокурорлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ёзма ахборот

киритиши ҳамда 4-босқичда камбағал оилаларда аниқланиб, ҳал этилди деб Штабга берилган, аммо ўз исботини топмаган 615 та муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига маълумот тақдим этиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Кармана тумани ҳокими (Болтаев)га “Пахтаобод” маҳалласидаги камбағаллик реестрига киритилган М.Ходжаева оиласига масъул бириктириб, ушбу оиланинг индивидуал дастурига киритилган муаммоларини қисқа муддатларда ҳал этилиши бўйича ишларни ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ҳикматов)га вилоят Камбағаллики қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев), Хатирчи (Адизов), Кармана (Болтаев), Қизилтепа (Бобомуродов), Навбаҳор (Рашидов), Конимех (Рўзиев) туман ҳокимлари Хатирчи туманининг “Чечак ота”, Кармана туманининг “Жалойир” ва “Арабхона”, Қизилтепа туманининг “Кулолон”, Навбаҳор туманининг “Пахтакор” ва “Карвон” ҳамда Конимех туманининг “Шўртепа” маҳаллаларида Сурхондарё вилояти Ангор тумани “Баҳор” маҳалласи намунаси бўйича аҳоли томорқаларида беш маротабагача ҳосил олишни ташкиллаштириши ҳамда “Сурхондарё тажрибаси” асосида “Инновацион томорқа мактаби” ташкил этиш ҳамда танлаб олинган маҳаллалардаги аҳоли томорқаларида беш мартагача ҳосил олиш тизимини ташкиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ҳафта вилоят ҳокимига ахборот бериб бориши алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Хатирчи, Навбаҳор, Кармана, Конимех, Нурота ва Навбаҳор туманларида ПК-20-сонли қарор бўйича ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилиб, вилоят Солиқ бошқармаси (Назаров)га ушбу туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари билан биргаликда қарор билан ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишлари билан жиддий шуғулланиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида ҳисобот бериши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосарларига, туман (шаҳар) ҳокимларига ҳамда бириктирилган масъулларга жорий йилнинг 15 декабрига қадар 5-босқич камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг индивидуал дастурига киритилган муаммоларини тўлиқ ҳал этилишини таъминлаб, камбағаллик реестридан чиқарилишини таъминлаш топшириғи берилди.

Йиғилишда, вилоятда боғдорчилик ва узумчилик соҳасида амалга оширилган ишлар, соҳадаги муаммолар ҳамда фойдаланилмаётган имкониятлар бўйича ҳам тўхталиб ўтилди.

Худудларда қишлоқ хўжалигида хусусан, боғдорчилик ва узумчилик соҳасида амалга оширилаётган ишларни қониқарсиз олиб бораётганлиги учун вилоят ҳокими ўринбосари С.Ҳикматов огоҳлантирилди.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси, тегишли тижорат банклари билан биргаликда фуқаро Э.Марзалиев томонидан майизни саралаш ва ўрик данагидан мағзини ажратиш, саралаб, қадоқлаб экспортга юборишга айланма маблағлари учун талаб этиладиган кредит маблағларини ажратиш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Туман ҳокимларига ўз ҳудудидаги боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини қайтадан ўрганиб чиқиб, янги боғ ва токзорлар ташкил этиш, эскирган майдонларни янгилаш, яроқсизларини бузиш ҳамда сув таъминотини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Шунингдек, ўтказилган ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф этиб, амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни (ўнг-чап кўринишда) вилоят ҳокимлигига киритиб бориш вазифаси топширилди.

“Парадисе Гарден” МЧЖга Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан узумчиликни ривожлантириш учун (томчилатиб суғориш тизими жорий этишга) ажратилган субсидия маблағларининг қайтарилиши ҳолатини ўрганиш бўйича Навбаҳор тумани прокуратурасига кўрсатмалар берилди.

Йиғилиш кун тартибида ҳудудий инвестиция лойиҳалари бўйича белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилиниб, туман (шаҳар) ҳокимликларига йил якунига қадар ишга туширилиши белгиланган лойиҳаларни 15 декабрга қадар ишга тушириш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Нурота, Конимех, Учқудуқ туманлари 2026 йил ҳудудий инвестиция дастури учун биттадан йирик чорва комплекси лойиҳаларини ҳамда Навоий, Зарафшон, Ғозғон шаҳарлари ҳокимларига қиймати 2 млн доллардан кам бўлмаган хизмат кўрсатиш лойиҳаларини шакллантириш бўйича топшириқлар берилди.

Марказий банк вилоят бош бошқармасига тижорат банклари билан биргаликда жорий йилнинг 10 декабрига қадар салоҳиятли мижозларига кредит маблағлари ажратиш орқали 2026 йил дастури учун қўшимча, қиймати 2 млн доллардан кам бўлмаган 2 тадан саноат лойиҳаларини шакллантириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ғаффоров), Марказий банк ва тижорат банклари, туман (шаҳар) ҳокимликларига 2026 йил ҳудудий инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларни шакллантириб, 20 декабрь куни вилоят ҳокимга тақдимот қилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сон қарори ҳамда Давлат Раҳбарининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сонли йиғилиш баённомасидаги топшириқлар ижроси муҳокама қилинди ҳамда топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 7 август куни Давлат Раҳбари ҳузурида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар юзасидан ўтказилган тақдимотда берилган топшириқлар ижросини самарали ташкил қилиш бўйича вилоят ҳокими ўринбосарларига, тегишли корхона (ташкилот) раҳбарларига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Болиев)га Навоий давлат Ўрмон хўжалиги (Жумаев), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Кармана (Болтаев) ва Конимех (Рўзиев) туманлари ҳокимлари билан биргаликда бир кун муддатда вилоят ҳокимлиги ҳузурида “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси” МЧЖни ташкил этиш бўйича ҳамда Конимех тумани чўл зонасида 18,4 минг гектар ва Кармана туманида 10 минг гектар, жами 28,4 минг гектар ер участкалари ҳокимликлар захирасига қайтариш ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси” МЧЖга тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида ажратиш юзасидан таклифларни тайёрлаб вилоят ҳокимига киритиш топшириғи берилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосарларига (Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Э.Ғаффаров, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова), вилоят ҳокимлиги котибияти мудирларига, гуруҳ раҳбарларига ва таркибий бўлинма раҳбарларига уч кун муддатда Давлат Раҳбарининг 2025 йил 23 сентябрдаги 45-сонли баёни, 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли баёнда берилган топшириқлар ижроси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот бериши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш масаласига тўхталиб ўтилди ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига ва тегишли масъулларга “Яшил макон” ва “Яшил белбоғ”лар ташкил этиш бўйича вазифа ва топшириқлар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жорий йилнинг 1 декабрь куни Давлат Раҳбари ҳузурида “Экологик вазият барқарорлиги, чиқиндиларни бошқариш, қиш мавсумига тайёргарлик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш” юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижро учун қабул қилинсин.

Шаҳар, туман ҳокимлари:

тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда экологияни яхшилаш, чиқиндилар билан ишлаш, атроф-муҳит тозалиги, хонадонлар, кўчалар ва маҳаллалар атрофини мунтазам равишда ободонлаштириш, шунингдек, ҳоким ўринбосарлари, маҳалла раислари эрталабдан маҳалла ва кўчаларда юриб, ободонлаштириш ва тозалик ишларини кўздан кечиришлари ва муаммоларни бартараф этиб боришлари юзасидан яна бир бор огоҳлантирилсин;

қишки мавсумга тайёргарлик бўйича ишларни қайтадан кўриб чиқиб, ижтимоий соҳа ва кўп қаватли уй-жойлардаги иситиш тизимлари ва кўмир таъминотидаги камчиликлар зудлик билан бартараф қилинсин;

шаҳар, туман ҳокимликларида ташкил қилинган Штаблар фаолияти 24/7 режимда фаолият олиб борилишини таъминлаш ҳамда авария-диспечерлик хизматларини мунтазам фаолияти олиб боришларини назоратга олиш топширилсин.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ниёзов**) ушбу топшириқлар ижроси юзасидан вилоят ҳокимига кунлик ахборот бериб борсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) билан ҳамкорликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-132-сонли қарорида белгиланган, Хатирчи туманидаги 600 гектар яйлов ерларини ўзлаштириш мақсадида, 30 дон тик қудуқларни қазилш ва электр энергия билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда тасдиқланган 45-сонли баёнда белгиланган, Кармана туманида Зарафшон дарёси бўйидаги 100 гектар ер майдонида балиқчилик комплексини ташкил этиш учун, ер участкасининг тоифасини ўзгартириш ва инвесторга ижарага бериш топшириқлари ижро муддатини белгиланган тартибда узайтириш чоралари кўрилсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров) бир кун муддатда Давлат Раҳбаридида ўтказилган Тақдирот бўйича имзоланган 45-сонли баёнининг 8-банди бўйича Қизилтепа туманида қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган “порфирит” тошини қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими қарори лойиҳасини тайёрлаб киритсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари декабрь ойининг 25 санасига қадар “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали ижроси назоратга олинган декабрь ойида бажарилиши белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Президент Администрацияси раҳбарининг ҳамда Ҳукумат раҳбарининг топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, назоратдан чиқариш чоралари кўрилсин.

Бунда, вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) топшириқларни назоратдан чиқариш ва мониторингларни ўтказилиши бўйича амалий ёрдам бериб борсин.

Назорати **Ш.Намозовга**.

5. Қуйидагилар:

Хатирчи тумани прокурори (**Норов**) тумандаги “Уйшун” маҳалласидаги камбағал оилалардан М.Одилова ва “Учқора” маҳалласидаги М.Раҳмонованиннг “Камбағаллик реестри”дан чиқариш ҳолатларининг қонунийлигини, шунингдек ушбу камбағал оилаларга бириктирилган Хатирчи тумани Насос станциялари бўлими бошлиғи Д.Асқаров ва вилоят Рақобат бошқармаси бошлиғи А.Муҳаммадиевнинг камбағал оилалар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб, натижаси бўйича хулоса берсин;

Конимех тумани прокурори (**Джабборов**) тумандаги “Бирлик” маҳалласидаги камбағал оила Р.Мулюковнинг “Камбағаллик реестри”дан чиқариш ҳолатининг қонунийлигини ҳамда ушбу оилага бириктирилган АТ “Агро банк”нинг Конимех бўлими бошқарувчиси К.Сайфуллаевнинг камбағал оилалар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб, натижаси бўйича хулоса берсин;

Навбаҳор тумани прокурори (**Исоқов**) 4-босқичда тумандаги “Арабхона” маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал оилалар Ё.Холмуминова, М.Жўрабоевалар ва “Совунгар” маҳалласидаги М.Каримоваларнинг муаммоларини ҳал этилиш ҳолатининг ҳаққонийлигини ҳамда ушбу оилаларга бириктирилган масъулларнинг камбағал оилалар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб, натижаси бўйича хулоса берсин.

Вилоят прокурорининг ўринбосари (**Намозов**) **уч кун муддатда:**

юқоридаги топшириқлар бўйича Хатирчи, Конимех ва Навбаҳор прокурорлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимиға ёзма ахборот киритсин;

4-босқичда камбағал оилаларда аниқланиб, ҳал этилди деб Штабга берилган, аммо ўз исботини топмаган 615 та муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига маълумот тақдим этсин.

6. Кармана тумани ҳокими (**Болтаев**) “Пахтаобод” маҳалласидаги камбағаллик реестрига киритилган М.Ходжаева оиласига масъул бириктириб, ушбу оиланинг индивидуал дастурига киритилган муаммоларини қисқа муддатларда ҳал этилиши бўйича ишларни ташкил қилсин.

Назорати **Л.Хайруллаевга**.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ҳикматов**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Хатирчи (**Адизов**), Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Конимех (**Рўзиев**) туман ҳокимлари Хатирчи туманининг “Чечак ота”, Кармана туманининг “Жалойир” ва “Арабхона”, Қизилтепа туманининг “Кулолон”, Навбаҳор туманининг “Пахтакор” ва “Карвон” ҳамда Конимех туманининг “Шўртепа” маҳаллаларида Сурхондарё вилояти Ангор тумани “Баҳор” маҳалласи намунаси бўйича аҳоли томорқаларида беш мартагача ҳосил олишни ташкиллаштирсин.

Юқоридаги масъуллар “Сурхондарё тажрибаси” асосида **“Инновацион томорқа мактаби”** ташкил этиш ҳамда танлаб олинган маҳаллалардаги аҳоли томорқаларида беш мартагача ҳосил олиш тизимини ташкиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин.

8. Хатирчи, Навбаҳор, Кармана, Конимех, Нурота ва Навбаҳор туманларида ПҚ-20-сонли қарор бўйича ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишлари қониқарсиз эканлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари билан биргаликда ПҚ-20-сонли қарор билан ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишлари билан жиддий шуғулланиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилишида** ҳисобот берсин.

9. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Қаюмов**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Солиқ бошқармаси (**Назаров**) **бир ҳафта муддатда** ўз тизими бўйича маҳаллалардаги бўш (вакант) “маҳалла еттилиги” ходимлари лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

10. Зарафшон шаҳар (**Раҳманов**), Кармана (**Болтаев**), Нурота (**Файзиев**), Томди (**Умаров**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари **беш кун муддатда** қуйидаги масъуллар томонидан (5-босқич) камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг бандлик йўналишидаги муаммоларини ҳал этилишини ўз назоратига олиб, кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимлигига ҳамда вилоят Штабига маълумотлар киритилишини таъминласин:

Зарафшон шаҳар “Янги Зарафшон” маҳалласига бириктирилган шаҳар Газтаъминоти филиали бошлиғи **З.Пардаев**;

Нурота тумани “Эшон Судур” маҳалласига бириктирилган туман Ўрмон хўжалиги раҳбари ўринбосари **Б.Ахмедов**;

Томди тумани “Кериз” маҳалласига бириктирилган “Агробанк” Томди тумани филиали бошқарувчиси **М.Раҳмонов**;

Хатирчи тумани “Бўғирдоқ” маҳалласига бириктирилган Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи **А.Турсунов**;

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **беш кундан сўнг** ушбу бириктирилган масъуллар томонидан қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этганлиги бўйича қайта ўрганиш ўтказиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

11. Қизилтепа тумани ҳокими **Б.Бобомуродов** ва вилоят Фермерлар кенгаши раиси **Ш.Ярлақабовларнинг икки кун муддатда** “Хомработ” маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал оила **М.Мансурованинг** турмуш ўртоғига ногиронлар аравачаси олиб берилиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилсин.

12. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) **беш кун муддатда** камбағал оилаларда кафолатланган тиббий хизмат ҳамда таълим ва касб-ҳунарга ўргатиш йўналишларида аниқланган муаммолар ҳамда улар бўйича ижобий ечим топган ҳолатлар ҳаққонийлигини ўрганиб, аниқланган камчиликларни бартараф этсин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги ва бажарилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

13. Қуйидагилар белгилансин:

жорий йилнинг 5 декабрь (жума) кунига қадар камбағал оилалар билан ишлашнинг 4-босқич якуни бўйича туман (шаҳар) ҳокими, прокурори, бириктирилган масъул, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходимлар томонидан имзоланган далолатномалар имзоланиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этилсин;

жорий йилнинг 16 декабрига қадар камбағал оилалар билан ишлашнинг 5-босқич якуни бўйича туман (шаҳар) ҳокими, прокурори, бириктирилган масъул, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходимлар томонидан имзоланган далолатномалар имзоланиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этилсин.

Назорати вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Р.Сулаймонов** ва вилоят прокурори ўринбосари **Р.Намозовга**.

14. Камбағал оилаларга 3-босқичда бириктирилган раҳбарлар (қизил тоифадаги) оилалар ҳолидан хабар олиб, **ойига 2 маротаба** бармоқ изи босиш орқали идентификациядан ўтилишини таъминласин.

Назорати **Л.Хайруллаевга**.

15. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) **бир кун муддатда** 2025 йил ноябрь ойида болалар нафақасини олиш учун ариза топшириб, оила аъзолари жон бошига минимал истёъмол харажатларидан (669,0 минг сўм) кам бўлган 829 та оилаларнинг манзилли рўйхатини туман (шаҳар) ҳокимликлари ва тегишли маҳаллаларга тақдим этсин.

16. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Қаюмов**):

икки кун муддатда 2025 йил ноябрь ойида болалар нафақасини олиш учун ариза топшириб, сўровномага тушган 829 та оилаларнинг ҳақиқий ҳолатларини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилишини таъминласин;

сўровномани сифатли ташкил этишда, ушбу оилаларнинг даромад манбалари, мол-мулклари тўғрисидаги маълумотлари бўйича тўғри ва ҳаққоний хулоса берилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

беш кун муддатда сўровнома натижасига кўра, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларга индивидуал хизматлар режаси тузиб, тасдиқлансин ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда ушбу оилаларга бириктирилган масъулларга тақдим этилсин.

17. Туман (шаҳар) ҳокимлари ва “маҳалла бешлиги” ўтказилган сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, рад бўлган оилаларга рад этиш сабабларини қонунчилик талаблари асосида тушунтирсин ҳамда уларга оилаларининг даромадларини ошириш бўйича зарур ёрдамлар кўрсатиб борилсин.

18. Вилоят телерадиокompанияси (**Муқимов**)га Навоий шаҳридаги камбағал оилалар аҳволи бўйича видеолавҳа тайёрлаб, вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилиши** муҳокамасига киритиш тавсия этилсин.

19. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **икки кун муддатда Янги тизим бўйича** қилинадиган ишларнинг режа-графиксини ишлаб чиқиб, вилоят ҳокими тасдиғига киритсин.

20. Жорий йилнинг 5 декабрь (жума) кунига қадар камбағал оилалар билан ишлашнинг 4-босқич якуни бўйича аниқланган муаммоларни ҳал қилиб, тугатмаган масъулларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда қатъий чоралар (эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача) кўрилиши тўғрисида **огоҳлантирилсин.**

21. “Навоийазот” АЖ бош директори **Ф.Самадовнинг** ўзи масъул бўлган Хатирчи туманидаги маҳаллалардаги камбағал оилаларда аниқланган барча муаммоларни ҳал этилиши ва ушбу маҳаллаларни “Камбағалликдан ҳоли ҳудуд”га айлантирилиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга.**

22. Туман, шаҳар ҳокимлари уч кун муддатда деҳқон бозорлари ва йирик савдо комплексларига **шахсан бориб**, уларни тартибга келтириш, камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш, ободонлаштириш ва тозалик ишларини амалга ошириш, антисанитар ҳолатларни олдини олиш, сотувчи ва харидорларга қулай шароит яратиш, айниқса нархларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича **барча зарурий чора-тадбирларни кўрсин.**

23. Вилоят ҳокимининг ўринбосари **С.Ҳикматовнинг** қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, соҳа бўйича белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан назоратни сусайтириб юборилганлиги, айниқса боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги ишлари қониқарсиз олиб бораётганлиги **алоҳида кўрсатиб ўтилсин.**

Келгусида соҳада амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижроси бўйича ўзгариш қилмаса, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилиши тўғрисида расман **огоҳлантирилсин.**

24. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) **уч кун муддатда** Хатирчи туманидаги боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини тижорат банкларига бириктирган ҳолда, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриб борсин.

25. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**), тегишли тижорат банклари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Хатирчи тумани “Тасмачи” маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Марзалиев томонидан майизни саралаш ва ўрик данагидан мағзини ажратиб, саралаб, қадоқлаб экспортга юборишга айланма маблағлари учун талаб этиладиган кредит маблағларини ажратиш чораларини кўрсин.

26. Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Кармана (**Болтаев**), Хатирчи (**Адизов**), Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимлари:

уч кун муддатда туманлардаги боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини қайтадан ўрганиб чиқиб, янги боғ ва токзорлар ташкил этиш, эскирган майдонларни янгилаш, яроқсизларини бузиш ҳамда сув таъминотини яхшилаш бўйича **чора-тадбирлар Дастурини** ишлаб чиқиб тасдиқласин;

ўн кун муддатда боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларида ўтказилган ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф этиб, амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни (ўнг-чап кўринишида) вилоят ҳокимлигига киритиб борсин;

жорий йилда янги боғ ва узумзорлар ташкил этиш ҳамда самарасиз кам ҳосилли боғ-ток майдонларини бузиш бўйича белгиланган режаларнинг бажарилишини **ўн кун муддатда** якунлаб амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот берсин.

Назорати **Ж.Болиевга**.

27. Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) тумандаги мавжуд ва янги ташкил этиладиган боғ ва узумзорларнинг сув билан таъминланишини ўрганиб, улардан фойдаланиш бўйича таклифларни вилоят ҳокимига киритсин.

28. Навбаҳор тумани прокурори (**Исоқов**) **бир ҳафта муддатда** “Парадесе Гарден” МЧЖга Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан узумчиликни ривожлантириш учун (*томчилатиб сугориш тизими жорий этишга*) ажратилган **120 млн.сўм** субсидия маблағларининг қайтарилиши ҳолатини ўрганиб, амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳокимига ахборот берсин.

29. Туман (шаҳар) ҳокимликлари Худудий инвестиция дастурларидаги жорий йилда ишга туширилиши белгиланган лойиҳаларда тармоқ жадвалида кўрсатилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаб, **15 декабрга** қадар тўлиқ ишга тушириш чораларини кўрсин.

30. Нурота (**Файзиев**), Конимех (**Рўзиев**), Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳокимлари **ўн кун муддатда** 2026 йил худудий инвестиция дастури учун биттадан йирик чорва комплекси лойиҳаларини, Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**), Ғозғон (**Жўраев**) шаҳарлари ҳокимлари қиймати **2 млн доллардан** кам бўлмаган хизмат кўрсатиш лойиҳаларини вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасига тақдим этсин.

31. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) тижорат банклари билан биргаликда **10 декабрга** қадар салоҳиятли мижозларига кредит маблағлари ажратиш орқали 2026 йил дастури учун қўшимча қиймати **2 млн доллардан** кам бўлмаган **2 тадан** саноат лойиҳаларини шакллантириб, вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасига тақдим этсин.

Назорати **Э.Ғаффоровга**.

32. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) тижорат банклари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2026 йил ҳудудий инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларнинг якуний манзилли рўйхатини шакллантириб, **20 декабрь** куни вилоят ҳокимга тақдимот қилиши белгилаб қўйилсин.

33. Давлат раҳбари ҳузурида ўтказилган Тақдимотда берилган топшириқлар бўйича имзоланган 2025 йил 23 сентябрдаги 45-сонли баёнида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида:

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**), Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**), “Ер қаъридан фойдаланиш” ДМ вилоят бошқармаси (**Ҳайитов**) баёнинг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги **9 та** ер қаъри участкаларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларини ажратиш ишларини якунига етказиб, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ижросини доимий назоратга олсин;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) Ўрмон хўжалиги бошқармаси (**Жумаев**), Кармана тумани ҳокимлиги (**Болтаев**) билан биргаликда баёнинг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида Кармана туманида “**Тианченг Стоун**” МЧЖ томонидан Зарафшон дарёси бўйидаги 100 гектар ер майдонида умумий қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган балиқчилик комплексини ташкил этиш учун ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ерларига қайтариш ҳамда ижара ҳуқуқи асосида ажратиш ишларини жадаллаштирсин;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Маҳмудов**), Конимех (**Рўзиев**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлиги билан биргаликда баёнинг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Конимех тумани “Шўркўл” ҳудудидаги 658 гектар ер участкасида умумий қиймати 15 млн АҚШ доллари бўлган озуқа етиштириш ва чорвачилик комплексини ташкил этиш ҳамда Хатирчи туманининг 600 гектар ер участкасида қиймати 8 млн АҚШ доллари бўлган чорва озуқаларини етиштириш ва чорва комплексини ташкил этиш учун сув таъминоти оғир, балл бонитети паст ва шўрланиш даражаси юқори бўлган пахта ва дон экиладиган ер участкаларини ажратиш бўйича таклифларни тайёрлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритсин;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**), вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**), “Ер қаъридан фойдаланиш” ДМ вилоят бошқармаси (**Ҳайитов**), Қизилтепа тумани ҳокимлиги (**Бобомуродов**) **икки кун муддатда** баёнинг 8-банди бўйича, Қизилтепа туманида қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган “порфарит” тошини қайта ишлаш лойиҳасини амалга

ошириш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги 100 гектар ер майдонини аукционга чиқариш учун “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш ишларини якунига етказсин;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), Ўрмон хўжалиги бошқармаси (**Жумаев**), Нурота тумани ҳокимлиги (**Файзиев**) билан биргаликда баёнинг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида Нурота туманида **“FHH GARDEN FLOWER” МЧЖ** томонидан қиймати **7 млн АҚШ** доллари бўлган **озуқа экинларини етиштириш, чорвачилик ва паррандачилик** комплексини ташкил этиш мақсадида ўрмон фонди тоифасидаги **2 минг** гектар ер участкасининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ишлаб, ер участкасини ижара ҳуқуқи асосида бериш ишларини жадаллаштирсин;

вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Болиев**), Ўрмон хўжалиги бошқармаси (**Жумаев**), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Маҳмудов**), Кармана (**Болтаев**) ва Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда **бир кун муддатда** вилоят ҳокимлиги ҳузурида “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси” МЧЖни ташкил этиш бўйича ҳамда Конимех тумани чўл зонасида **18,4 минг** гектар ва Кармана туманида **10 минг** гектар, жами **28,4 минг** гектар (**12,2 минг гектар ўрмон фонди ва 16,2 минг гектар яйлов ерлари**) ер участкаларини ҳокимликлар захирасига қайтариш ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси” МЧЖга **25 йил муддатга** тўғридан-тўғри **ижара ҳуқуқи** асосида ажратиш юзасидан таклифларни тайёрлаб вилоят ҳокимига киритсин;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) **уч кун муддатда**:

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Жумаев**), Навбаҳор тумани ҳокимлиги (**Рашидов**) билан биргаликда Навбаҳор туманининг “Туркистон” ҳудудидаги **1 минг гектар** ерни қайта фойдаланишга киритиш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан **24 та** қудуқ қазिशга драйвер лойиҳалар доирасида маблағ ажратиш;

вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Жумаев**), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Нурота тумани ҳокимлиги (**Файзиев**) билан биргаликда Нурота туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарга уларнинг балансидаги **236 та** суғориш қудуқларига **40 кВт** қуёш панелларини ўрнатиш мақсадида, Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий кўмак ажратиш бўйича таклифларни тайёрлаб Вазирлар Маҳкамасига ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга киритсин;

Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) баёнинг 19-бандига асосан “**Нақшлар ва нурлар**” миллий каштачилик кўргазмаси маркази барпо этиш бўйича АТ “Халқ банки” раҳбарияти билан гаплашиб, марказ барпо этиш ишларини жадаллаштириш чораларини кўрсин;

Конимех тумани ҳокими (**Рўзиев**) “Айдаркўл” сув ҳавзаси атрофидаги ерларда овчилик туризмининг ривожлантириш мақсадида овчилик, экзотик табиатда дам олиш, кемпинг ва ўтовларда тунаш хизматларини қамраб олувчи Овчилик туризмининг ривожлантириш бўйича “Айдаркўл” сув ҳавзаси атрофидаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси балансидаги ер майдонлари юзасидан таклифлар тайёрлаб вилоят ҳоқимиға киритсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида **жорий йил якуниға қадар** назоратда турган **241 та** (*Р.Сулаймонов 15 та, А.Ниёзов 177 та, Э.Ғаффаров 30 та, С.Ҳикматов 10 та, Ж.Ходжаев 4 та, С.Мирзаев 1 та, М.Мамадиярова ва У.Шарипов 2 тадан*) топшириқларнинг ижросини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалға оширсин.

35. Вилоят ҳоқими ўринбосарлари (**Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Э.Ғаффаров, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова**), вилоят ҳоқимлиги котибияти мудирлари, гуруҳ раҳбарлари ва таркибий бўлинма раҳбарлари **уч кун муддатда** Давлат Раҳбарининг 2025 йил 23 сентябрдаги 45-сонли баёни, 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятиға ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли баёнда берилган топшириқлар ижроси бўйича вилоят ҳоқимиға ҳисобот бериши белгилаб қўйилсин.

36. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасиға юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев